



QARORI

2018 yil «14» sentyabr

№ 1341

«TASHKENT INTER LOGISTIC» mas'uliyati cheklangan jamiyatiga
er maydoni ajratib berish haqida

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 июндаги 01-05/121-1-сонли Тошкент шаҳрида қурилиш ва обodonлаштириш ишларини бориши тўғрисида ўтказилган сайёр йиғилиш баённомаси ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ҳузуридаги хавфсизлик кенгашининг 2018 йил 31 августдаги 11-2179-сонли хатини инобатга олиб, «TASHKENT INTER LOGISTIC» мас'uliyati cheklangan jamiyatining мурожаатномасини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. «TASHKENT INTER LOGISTIC» мас'uliyati cheklangan jamiyatiga, Юнусобод тумани, «Бўз-Сув» канали бўйида «SUVSOZ» давлат унитар корхонаси худудидан қисман олинishi хисобига кўп қаватли турар-жой ва коттедж бинолари қуриш учун майдони 5,2 гектарли ер (чегара режаси илова қилинади) доимий фойдаланишга ажратиб берилсин.

2. «TASHKENT INTER LOGISTIC» мас'uliyati cheklangan jamiyati:

Давлат хизматлар агентлиги туман бўлимига архитектура режалаштириш топшириқларини тузиб чиқиш учун буюртма берилсин;

лойиҳалаш учун ер ости муҳандислик иншоотларининг топосурати туширилган 1:500 нисбатдаги топографик харита ва геологик ҳўлоса ишлаб чиқиш учун «Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти» Давлат унитар корхонасининг Тошкент шаҳар филиалига буюртма берилсин;

ажратилган ер майдонини Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасида рўйхатдан ўтказиш учун буюртма берилсин;

лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун лойиҳалаш ташкилоти билан ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини мутасадди ташкилотларга тақдим этилсин;

мазкур ҳудудда жойлашган муҳандислик тармоқларини кўчириш ёки муҳофаза ҳудудини сақлаб қолиш ишлари ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши инобатга олинсин;

қурилиш ишлари тутаганидан сўнг, ер ости муҳандислик иншоотларининг топосурати туширилган 1:500 нисбатдаги топографик харитаси, «Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти» Давлат унитар корхонасининг Тошкент шаҳар шўъба корхонасига топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 4-боб, 36-моддасида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар юзга келганда, ушбу қарор бекор қилиниши ҳақида огоҳлантирилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Максумов зиммасига юклатилсин.



Ж.Артикходжаев